



Ислом Нури

Кўплаб одамлар, хусусан даъватчилар даъват йўлида тўғаноқ бўлаётган вабо — одамларнинг масхара ва истехзоларидан кўп шикоят қиладилар: “Хўш, биз нима қилайлик, қандай иш олиб борайлик?” .Мен Аллоҳдан тавфиқ сўраб, бу саволга жавоб топишга ҳаракат қиламан:

1 - Аллоҳ йўлида етган озорларга сабр қилиш - Аллоҳ йўлига даъват қилишнинг ўзгармас асосларидан биридир. Ахир қандай қилиб сабрсиз даъват самара берсин?, Аллоҳ таоло пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб қилиб: “Бас, сабр қилинг, оқибат тақводорларникидир!” демадимми? (Худ: 49).

Аллоҳ таоло пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламга Мусо алайҳис-саломнинг ўз қавмига айтган сўзларини ваҳий қилди: «(Фиръавннинг сўзларидан даҳшатга тушиб кетганларида) **Мусо** (алайҳис-салом) **қавмига деди: «Оллоҳдан мадад тилаб, сабр-тоқат қилинглр! Бу Ер шак-шубҳасиз Оллоҳникидир. Уни Ўзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб беради. Оқибат-натижа эса тақводорларники (Оллоҳдан кўрққанларники) бўлади». 129. Улар айтдилар: «Сен бизга (пайғамбар бўлиб) келишингдан илгари ҳам (яъни ўшанда ҳам Фиръавн ўғилларимизни ўлдириб, аёлларимизни тирик қолдириб, зулм қилган эди), сен келганингдан кейин ҳам озор кўрдик». У (Мусо) деди: «Шояд Роббингиз душманларингизни ҳалок этиб, сизларни бу Ерга халифа қилса ва қандай амаллар қилишингизни кўрса». (Аъроф: 128, 129)**

Сабр-бардош билан бирга Аллоҳ таолонинг ўзига садоқатли таваккул ҳам бўлиши керак. Чунки Аллоҳ таоло: **«Сиз кофирлар ва мунофиқларга бўйсунманг ва уларнинг озор-азиятларига парво қилманг ҳамда Аллоҳга таваккул қилинг! Аллоҳнинг Ўзи**



Ислом Нури

етарли вакил-ҳомийдир.» (Аҳзоб: 48), деди. Аллоҳнинг ўзигагина таваккул қилиб, Унинг ўзигагина суяниш ва Унинг ҳузуридаги ажр-савобларда тамаъда бўлиш – бу узоқ йўлда юривчи одамларнинг мустаҳкам асосларидир. Қадимда айтилган: “Сабр ва қатъий ишонч билан диндаги имомлик даражасига етилади”.

2 – Биздан кўра яхшироқ бўлган одамлардан ибрат олиш.

Сизга халқлари тарафидан масхара қилинган пайғамбарларнинг қиссаларини айтиб ўтдик. Бу масхара ва истеҳзолар уларни бажаришга киришишган ишлари ва ўзлари билан бирга юборилган динларидан четлата олдимиз?! Йўқ, албатта!

Кема ясаётган Нух алайҳис-салом устидан мазах қилиб кулдилар. Бироқ бу ишлар уни ўз йўлидан қайтмай давом этишини ва Роббисининг берган ваъдаларига бўлган ишончини зиёда қилди.

Лут алайҳис-салом, унинг поклиги ва у билан бирга бўлганлар устидан қавми масхара қилиб кулди. Улар унинг бу ҳолатига ҳайратомуз боқиб: “Улар покланувчи одамлар!” - дедилар. Бу сўзлар Лут алайҳис-саломнинг ҳақ йўлидаги матонати ва қуйидаги Аллоҳ берган ваъдага бўлган ишончини орттирди, холос: **«Уларга ваъда қилинган вақт субҳдир. Субҳ яқин эмасми?!»** (Ҳуд: 81).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам устидан ҳам масхара қилишиб, пасткашларнинг озорлари кучайганида Аллоҳ таоло унга ҳитоб қилиб шундай деди: «(Эй Муҳаммад), **сиздан аввал ўтган пайғамбарларнинг устидан ҳам кулинган. Сўнг уларни масхара қилган кимсаларни ўша кулгилари ўраб, (домига тортиб) кетган** (яъни ҳалок қилган).» (Анъом: 10) Анбиё сурасининг қирқ биринчи



Ислом Нури

ояти ҳам шу маъноларни ўз ичига олган.

Аллоҳ таоло айтди: «(Эй, Муҳаммад), **сиздан аввалги пайғамбарларнинг устидан ҳам кулиб-масхара қилинганида, Мен ўша (пайғамбарларини ёлғончи қилиб) куфр йўлини тутган кимсаларга (бир оз) муҳлат бериб сўнгра уларни (Ўзимнинг азобим билан) ушлаганман. Сўнг уларни қандай жазолаганимни (билурсиз).**» (Раъд: 32)

3 - Мўминларнинг барчаси, хусусан даъватчилар Аллоҳ таолонинг ушбу сўзларига лойиқдирлар: **«Куфрга қарши курашда (сустлашмангиз) ва ғамгин бўлмангиз! Агар (ҳақиқий) иймон эгалари бўлсангизлар, сизлар устун бўлгувчидирсизлар. 140. Агар сизларга жароҳат етган бўлса, у қавмга ҳам худди шундай жароҳат етган. (Токи ибрат бўлсин деб) ва Оллоҳ ҳақиқий иймон келтирган кишиларни билиши ҳамда ораларингдан шаҳидларни саралаб олиши учун бу кунларни (яъни ғалаба ва мағлубият кунларини) одамлар орасида айлантириб турамиз. Оллоҳ золим кимсаларни севмайди. 141. Ва токи Оллоҳ иймон келтирган зотларни (гуноҳларидан) поклаш ва кофирларни ҳалок қилиш учун (бу кунларни одамлар орасида айлантириб туради). 142. (Эй мўминлар), ёки Оллоҳ сизларнинг ичингиздан ким ҳақ йўлда курашган-у, ким сабр-тоқат қилганини мутлақо билмай туриб жаннатга кирамиз, деб ўйладингизми?!» (Оли Имрон: 139-142).**

Мўмин ўзининг Аллоҳ таоло тавфиқи, йўллаши ва сабот бериши билан бирга эканини ҳис этар экан сустлик қилмайди ва ғамгин бўлмайди. Ахир Аллоҳ таоло: **«Уларнинг (кофирларнинг «Сен пайғамбар эмассан», деган) сўзлари сизни ғамгин қилмасин. Бутун куч-**



Ислом Нури

қудрат Оллоҳникидир. У Эшитувчи, Билувчидир.» (Юнус: 65).

4 – Ҳазилкаш, масхара ва истехзо қиладиган одамлар билан дўстлашмаслик.

Чунки, Аллоҳ таолога бўлган иймон, ундай душманлардан безор бўлиш билангина тўғри бўлади. Ҳолбуки, Роббимиз Аллоҳ таоло шундай демокда: **«Эй мўминлар, сизлардан илгари китоб берилганлар ичидан динингизни ҳазил-масхара қилиб олган кимсаларни ва кофирларни дўст қилиб олмангиз! Агар мўмин бўлсангизлар, Оллоҳдан қўрқинглар!»** (Моида: 57).

Ислом умматининг бошига келган улкан балолардан бири – яҳудий ва насоролар билан дўстлашишдир. Ҳолбуки улар, динимизни айбламоқдалар, пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни камситиб, бизнинг устимиздан кулмоқдалар. Ичимиздан бир пулга қиммат баъзи гўл одамлар уларни ўзларига дўст тутмоқдалар. Бу эса куфр ва кофирлардан безор бўлишни Аллоҳнинг ўзигагина иймон келтиришдан муқаддам қўйган Аллоҳнинг Ҳақ Манҳажига ҳеч тўғри келмайди: **«Бас, ким Тоғут-Аллоҳдан ўзга ибодат қилинган ҳар бир нарса-га кофир бўлса ва Оллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди.»** (Бақара: 256).

Ҳозирги кунда ҳам аҳли китоблар Аллоҳ, Унинг дини ва мўмин бандалари устидан кулиш воситаларининг барчасидан фойдаландилар. Бу уларнинг сўзлари, оммавий ахборот воситалари ва тузаётган режаларида очиқ намоён бўлмоқда. Балки улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларда ҳам намоён бўлмоқда: пояфзал ҳамда эркак ва аёлларнинг ички кийимларига Аллоҳнинг исмларини ёзмоқдалар, Аллоҳ бундан буюк ва муназзаҳдир. Улар таҳқирлашда



Ислом Нури

Қуръон оятларини ҳам қолдирмадилар. Шундай бўлишига қарамай, баъзи ғофил мусулмонларнинг китоб аҳлларини, уларнинг заводларида ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиб олиш билан, билвосита яхши кўраётганларини кўрасиз. Ҳолбуки бу ширкатлар, динимизни айбламоқда, Роббимизни мазах қилмоқда ва Ислом динимизнинг обрўсини тўкмоқда! Ушбу туйғулар-ла ғайрат билан турган ва умматга бу ийманий вазифани эслатмоқчи бўлган одам, Аллоҳ, мўминлар ва мувахҳидларга қарши жиноятчилар деб атаган кимсалар томонидан мазах қилинади, бармоқлар билан ишора қилинади, ақидапарастлик, қоқоқлик, инсониятга душманлик, экстремизм, террорчилик ва сўқиниш қомусида мавжуд бўлган бошқа сўзлар билан айбланади. Аллоҳдан бошқа кимга ҳам шикоят қиламиз!! У биз учун кифоя ва қандай яхши Ёрдамчидир.

5 - Истехзо ва масхара қиладиган одамлардан юз ўгириш ва улар билан бирга ўтирмаслик. Аллоҳ таоло айтди: **«Қачон Бизнинг оятларимизни (масхара қилишга) киришаётган кимсаларни кўрсангиз, то бошқа гапга киришгунларича улардан юз ўгилинг! Энди агар шайтон ёдингиздан чиқарса, эслаганингиздан сўнг бу золим қавм билан бирга ўтирманг! 69. Тақво қилувчи зотлар зиммасида у (қавм)нинг ҳисоб-китобидан ҳеч нарса йўқ, лекин улар (оятларимизни масхара қилишдан) сақланишлари учун эслатиб қўймоқ (лозимдир). 70. Динларини ўйин-ҳазил қилиб олган, ҳаёти дунёга алданиб қолган кимсаларни тарк қилинг! Ва уни (яъни Қуръонни, одамларга) эслатиб қўйинг! Токи бирон жон (Қиёмат Кунисида) касб қилган (гуноҳлари) сабабли ўзи учун Оллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир оқловчи бўлмаган, агар бор нарсани берса ҳам — ундан қабул қилинмайдиган ҳолда, ҳалокатга ташланмасин. қилган амаллари сабабли (Оллоҳнинг азобига) ташланган ана ўша**



кимсалар учун қайноқ сувдан иборат ичимлик ва кофир бўлганлари сабабли аламли азоб бордир.» (Анъом: 68 – 70).

Аллоҳ таоло, ўша мазах ва истехзо қиладиган одамлар билан бир даврада ўтирган одамни улардан узоқлашмаса ва ўрnidан туриб кетмаса, улардан бири бўлиб қолиши ва уларни азоблайдиган азоб билан азоблаш билан кўрқитмоқда: **«Ахир Оллоҳ сизларга Китобда: «Қачонки Оллоҳнинг оятлари инкор қилинаётганини ва масхара қилинаётганини эшитсангизлар, то бошқа гапга ўтмагунларича ундай кимсалар билан бирга ўтирманглар», деган сўзларни нозил қилган эди-ку?! (Модомики, улар билан ўтирган экансиз), демак, сизлар ҳам шак-шубҳасиз уларнинг ўзисиз. Албатта, Оллоҳ барча мунофиқ ва кофирларни жаҳаннамга жамлагувчидир.» (Нисо: 140).**

Афсуски, бу масалада бепарволик анча кўпайди. Айрим одамлар истехзо қилувчи кимсалар билан дўстлашиб, уларни улфат ва севимли дўст қилиб олдилар. Ҳатто уларни ва уларнинг шарафларини ҳимоя қилмоқдалар. Улар гўё Аллоҳ таолонинг: **«Сиз ўзларига хиёнат қиладиган (жинояткор) кимсаларнинг ёнини олманг! Албатта Оллоҳ хоин ва жиноятчи бўлган кимсаларни севмайди.» (Нисо: 107) ва «Сиз хоинларни ҳимоя қилувчи бўлманг!»» (Нисо: 105) оятларини унутгандек кўринадилар.**

Ҳақиқатга эргашган ва иймонли кишилар Аллоҳнинг розилигига эришиш ва Қиёмат кунida расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг байроқлари остида жамланиш учун истехзо ва масхара қилувчи одамлардан узоқ туришлари керак.

6 – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўрнак олиб, ҳақиқатни



Ислом Нури

очиқ айтиш. Чунки, расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан мазах ва истехзо кучайганида, Аллоҳ таоло Унга: **«Бас, сиз ўзингизга буюрилган ишни (яъни, ҳақ динга даъват қилишни) юзага чиқаринг ва мушриклардан юз ўгилинг! 95. Албатта, Биз Ўзимиз сизни масхара қилувчиларни (ҳалок этиш учун) кифоя қиламиз.»** (Ҳижр: 94, 95) оятини нозил қилди. Ахир қурайшликлар расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: **«Улар** (яъни, Макка кофирлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламини масхара қилишиб): **«Эй (ўзига) эслатма — Қуръон нозил қилинган (деб даъво қилаётган) киши, дарҳақиқат, сен, мажнунсан. Агар** («Мен Оллоҳнинг пайғамбариман», деган даъвоингда) **ростгўйлардан бўлсанг, бизга (сўзларингни тасдиқлайдиган) фаришталарни келтиргинчи»** (Ҳижр: 6, 7), демадиларми. Уларнинг масхаромуз, интиқомли нигоҳлари ҳар ерда расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламини қувиб юрмасмиди: **«51. Албатта кофир бўлган кимсалар эслатма-Қуръонни эшитган вақтларида сизни кўзлари билан йиқитаёзадилар ва (Муҳаммад) шак-шубҳасиз мажнундир, дерлар. 52. Ҳолбуки, у (Қуръон) барча оламлар учун фақат бир (буюк) эслатмадир.»** (Қалам сураси).

Шунча ишлар бўлишига қарамай, расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳақ Йўлда юришни давом эттирдилар. Даъват учун бел боғлаган, бироқ биргина масхараомуз сўз ёки арзимаган имо-ишора уларни бу йўлдан қайтариб юбораётган кимсалар, даъват вазифасини кўтаришга нолайиқдирлар. Чунки иймон, тил билангина айтиб кифояланиладиган нарса эмас. Балки у, масъулияти, омонати, юки ва жиҳоди бўлган Буюк Ҳақиқатдир. Масхара ва истехзо воситалари шаштини пасайтирган кимсалар, йўлдан четга чиқсинлар ва ишни лойиқ бўлган одамларга қўйиб берсинлар!



Ислом Нури

Ноҳақ йўл эгалари ва унга чорлаётган одамлар ҳаётидаги ажабланарли нарса шуки, уларнинг ботил йўлида тўғаноқ бўлаётган қандай нарса бўлмасин, ўз ғояларида сабот билан турганларини кўриб, заиф иймонли баъзи кимсаларнинг озгина мазах ва истехзо сабабли диний ишларидан воз кечаётганларидан афсусланасиз. Фожирнинг саботи ва тақводорнинг ожизлигидан Аллоҳга шикоят қиламиз!!

Яқин ўтмишда Аллоҳ йўлига чақирувчилардан бири бўлган забардаст аллома, мужаддид шайх Иброҳим Тамимий раҳимахуллоҳнинг ҳаёти ҳақида тафаккур қилар ва унда дуч келган қанча-қанча қийинчиликлар, масхаралар, одамаларни ундан нафратлантириш, “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суймайди, саҳобаларни ёмон кўради ва Умматни пароканда қилади. У бешинчи мазҳабни олиб келди. У авлиёларни ёмон кўради ва ..., ва ...!” деб айтилган бўҳтон ва ёлғонларни тарих китобларидан ўқиганмиз. Хўш, у, бўҳтон ва ёлғонларга нисбатан қандай муносабатда бўлди?!

Бу озорлар унга ҳақиқат йўлида шижоатни, ҳолис тавҳидга чақириб, ширк ва унинг аҳлидан безор бўлиш ва адашган кимсаларнинг шубҳаларини фош қилиш йўлида ошкораликни зиёда қилди. Уларнинг ўз разилликларини давом эттирар эканлар, У, Роббисининг берган ваъдаси ҳамда Аллоҳга таваккал қилган кишига Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилишига чин юракдан ишонар эди. Хўш, натижа нима бўлди? Шайх Сулаймон Тамимийнинг хотираси қаердаю, ушбу муборак салаф ҳаракатига душман бўлган ибн Афолиқ, Қуббоний, Кавкабой, Даҳлон, ибн Жиржис, Нажафий, Набҳоний, Дажвий, Омилий ва бошқа ўнлаб одамларнинг номи қаерда?! У қилинган асоссиз нарсалар кетиб, тарих саҳифаларидан ўчирилди. Бу мужаддид имомнинг тарихи эса, бу дунёнинг осмонида ҳилпираган байроқ бўлиб қолди: унинг илмидан



фойдаланилмоқда. Китоблари нашр қилинмоқда. Дунёнинг тўрт тарафида яшаётган инсонлар унинг чақириқларига эргашмоқдалар. Аллоҳ таоло аллома Сулаймон Тамимий чақирган ҳақ йўлни намоён қилиб, душманлари олиб келган ботил нарсаларни вайрон қилди: **«Энди у кўпик-чиқинди ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетур. Одамларга фойдали бўлган нарса эса Ер юзида қолади.»** (Раъд: 17)

Ҳа, у душманларнинг адоватлари, фириблари, ҳийлаларини ва пасткашлиklarини унутдилар. Бироқ, одамларга фойдали бўлган бу яхшилик қолди. Ҳолбуки, бугунги кунда мусулмонларнинг бирорта уйи йўқки, бу алломанинг китоблари кирмаган бўлса. Аллоҳ таоло унинг гуноҳларини кечирсин, унга савобларини мўл қилиб, мақомларини кўтарсин. Шубҳасиз, Роббим барча нарсага қодир зотдир.

Хотима

Муҳтарам китобхон, одамлардан қасдсиз содир бўлаётган, кўпчилик бефарқ қолиб, мубтало бўлган ушбу ишнинг нақадар хатарли эканига сиз ва бошқаларнинг диққатини жалб қилиш учун, ушбу мўжаз рисола сизга ҳавола этдим.

Аллоҳ таолодан эса, яхши мақсад ва Умматни дини ва этиқодини бузадиган нарсаларнинг хатарини билдиришини умид қилиб қоламан. Биз мусулмонлар ўз динимизга жиддий ва тўлақонли амал қилишимиз, мазах, масхара ва сафсаталардан узоқлашишимиз, ўзимиз ва янги авлодимизни жиддийлик ва олийҳимматлик асосида тарбия қилишимиз керак. Чунки, бу – олийжанобликдир.

Азиз китобхон, рисола ни ўқиш мобайнида хато ва камчиликларга дуч келган бўлсангиз, уни муаллифига совға ва насиҳат ўлароқ тақдим



этинг-ки, у ҳаққингизга ғоибона дуолар қилиб, ҳаққа қайтсин. Агар тўғри сўзларни топган бўлсангиз, муаллиф ҳақиға дуо қилинг ва дўстларингиз ва яқинларингизга мазах қилишнинг хатари, тил ва кўзни бу хунук айбдан тийиш кераклигини уқтиринг.

Аллоҳ барчамизни ўз ҳифзи, лутфи ва карами билан паноҳига олсин.

20 / 11 / 1412 ҳижрий йил, жума чоштгоҳи

Маккайи Мукаррама шаҳри (Аллоҳ уни барча офатлардан сақласин)